

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

САИДОВ АКБАР АҲАДОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЧАККА- ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ПАТОЛОГИЯЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИДА МЕТАЛЛОПРОТЕИНАЗАЛАР ВА
БИРИКТИРУВЧИ ТЎҚИМА МАРКЁРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферат диссертации доктора наука (DSc)

Contents of dissertation abstract oh doctor of sciences (DSc)

Саидов Акбар Аҳадович

Болаларда чакка- пастки жағ бўғими патологиялари ривожланишида
металлопротеиназалар ва бириктирувчи тўқима маркёрларининг
аҳамияти.....3

Саидов Акбар Аҳадович

Значение металлопротеиназ и маркеров соединительной ткани в развитии
патологии височно-нижнечелюстного сустава у детей.....30

Saidov Akbar Ahadovich

The significance of metalloproteinases and connective tissue markers in
development of pathology of temporo-mandibular joint in
children.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....58

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

САИДОВ АКБАР АҲАДОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ЧАККА- ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ПАТОЛОГИЯЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИДА МЕТАЛЛОПРОТЕИНАЗАЛАР ВА
БИРИКТИРУВЧИ ТЎҚИМА МАРКЁРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.DSc/Tib254 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий консультант

Гаффоров Суннатullo Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Булычева Елена Анатольевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)
Муртазаев Саидмуродхон Саидалоевич
тиббиёт фанлари доктори
Ходжиметов Абдуғофир Ахадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Қозоғистон миллий тиббиёт университети
(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертациясининг аннотацияси (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги йиллар давомида тиш-жағ аномалиялари (ТЖА) ва деформацияларининг (ТЖД) кўп учраши ва ўсиши нафакат тиббиёт соҳасидаги мутахасисларни, балки ижтимоий соҳа вакилларининг ҳам эътиборини жалб этмокда. «Стоматологик касалликлар орасида ТЖА учраши структурасида тарқалганлик даражаси, тиш кариеси, пародонт тўқимаси патологиясидан кейинги ўринга кўтарилиши соҳа мутахасисларини тажубга солиб келмокда...»¹.

Жахон миқёсида, ортодонтик даволаш мушак ва чакка пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) дисфункциясининг енгил шакллари ва маҳаллий тўқималардаги нуқсонларни бартараф этишга имкон беради, бироқ ўрта даража оғирлик ва оғир шаклларида, шунингдек танадаги соматик патологиялар натижасида шаклланган ЧПЖБ патологиялари давоси учун самарасиз саналади. Чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган стоматологик беморлар, оғриқ синдроми, бўғим гипермобиллиги, бўғим дискининг чиқиши ва чала чиқиши, овқат чайнашнинг бузилиши бошқа кишилар билан коммуникатив мулоқотдаги қийинчиликлардан азият чекади. Чакка пастки-жағ оғриқли дисфункцияси – оғир ҳолат бўлиб ҳисобланади ва беморни азобланишига олиб келади. Шунинг учун ЧПЖБ патологияларини даволашда касаллик этиопатогенетик омилларини инобатга олган ҳолда ёндошув самарали бўлишини асослаш ҳозирги кунда долзарб муаммодир.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини дунё стандартлари талабларига мослаштириш, стоматологик касалликларни даволаш ва профилактика қилишда сезиларли ўзгаришларга эришилмокда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексида «...мамлакатимизда тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартизация тизимини яратиш, юқори технологик даволаш методларини жалб қилиш йўли билан соғлом ҳаёт тарзини қўллаб-қувватлаш, патронаж, диспансеризация ва касалликларнинг олдини олишни самарали моделларини яратиш...»^{2 1} каби вазифалар санаб ўтилган. Бу болалар орасида стоматологик соҳа аъзолари ҳолатини баҳолаш ҳамда сифатли тиббий, шу жумладан стоматологик ёрдамни ташкиллаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш йўли билан даволанишини яхшилаш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021-йилларга

¹ Гаффоров С.А. Назаров О.Дж. «Синдромы и симптомы височно-нижнечелюстного сустава. Клиника, диагноз и лечения» 2012.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 7-декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан мукамаллаштиришнинг комплекс чоралари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларга мос келади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йиллар давомида ТЖА ва деформацияларининг тўхтовсиз ўсиши муаммосига нисбатан эътибор сезиларли даражада ошди. Замонавий ташхислаш усулларининг тадбиқ этилганлигига қарамасдан афсуски тарқалиш кўрсаткичи ҳар йили ўсиб бориши кузатилмоқда. Сўнгги 30-40 йил давомида ТЖА ва ТЖДнинг кўпайиш тенденцияси кузатилиб келмоқда, бу ҳолат ўз навбатида аномалиялар шаклланишида турғун патологик механизмларнинг борлиги билан ифодаланади. (Баданин В.В., 2005; Хватова В.А. ва ҳаммуал., 2006; Tanyeri H., et.al, 2005). Бир қатор муаллифлар касалланиш кўпайишини экологик муҳитлар - атмосфера ҳавосининг бузилиши, ичимлик сувининг микроэлемент таркибидаги салбий ўзгариши каби ҳолатлар билан боғлашади (Гаффоров С.А., 2005; Яковлев В. М. ва ҳаммуал., 2009). Муаллифларнинг хулосалари макро ва микроорганизмнинг узлуксиз боғлиқлигига асосланади.

Охириги йилларда инсонларда ТЖА ва ТЖД ривожланишининг энг асосий омилларидан яна бири кўп минг йилликлар давомида юзага келаётган ва ҳозирги кунгача давом этаётган тиш-жағ тизими тўқималаридаги редукция жараёни бўлиб ҳисобланишини таъкидлашган (Попова Е.С. ва ҳаммуал., 2011).

Тиш-жағ деформацияси пайдо бўлишида ютиниш актида иштирок этадиган мушакларнинг функционал ҳолати муҳим рол ўйнайди. Болаларда туғилгандан ва сут тишлари чиққунга қадар инфантил ютиниш турига эга бўлади. Сут тишлари тўлиқ шакллангандан кейин ҳам инфантил ютиниш тури сақланиб қолганда, ҳар бир ютиниш ҳаракати пайтида бола тилининг учи тишлари орасидан чиқиб туради ва натижада энгак мушагининг фаолияти жадаллашади, бу церебрал фалажлик мавжуд болаларда тез-тез учраб, ҳаётининг охиригача сақланиб қолади (Арсенина О. И. ва ҳаммуал., 2008).

Калла суяги мия қисмининг катталаниши ҳолатлари, шунингдек тик юришда калла суягининг юз қисми ва жағ кичрайишига, унинг ўлчамлари, шакли ҳамда морфологияси ўзгаришига олиб келиши исботланган. Тиш-жағ тизими тўқималари редукцияси ер шарининг турли қисмларида, турли миллат ва ирққа мансуб кишиларда турлича кечади (Теперина И.М., 2004).

Ҳозирги кунда тадқиқотларда болаларда ЧПЖБ дисфункциясининг патогенези ва даволашнинг ўзига хослиги тўғрисида тўлиқ тушунчалар кузатилмасда, патологияларнинг учраш частотаси ошиб бормоқда. ЧПЖБ дисфункцияси бўлган беморларда, оғриқ синдроми, бўғим гипермобиллиги, бўғим дискининг чиқиши ва чала чиқиши, овқат чайнашнинг бузилиши коммуникатив мулоқот вақтида қийинчиликларга сабаб бўлади. ЧПЖБ оғриқли дисфункция синдроми – оғир ҳолат бўлиб ҳисобланади ва беморни азобланишига олиб келади. Стоматологик амалиётда ЧПЖБ фаолият бузилишини ташхислашда қатор қийинчиликлар учраши кузатилмоқда.

Юқорида кайд этилганларнинг барчаси болаларда ЧПЖБ дисфункциясининг клиник белгилари ўзига хос томонларини ўрганиш, ташхислаш ва даволашга янгича ёндашувларни зарур эканлигини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтида «Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш (2017-2021йиллар)» 12.2019 DSc 043-сон илмий-тадқиқот ишларининг режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тиш-жағ аномалия ва деформациялари бўлган болаларда ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашиш тамойилларини асослаш ва уларни коррекциялаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда тиш-жағ аномалияси ва деформациялари учраши структураси ва тарқалишини баҳолаш;

тиш-жағ аномалияси ва деформациялари бўлган болаларда, рентгенологик текшириш усуллари комплексига таяниб, чакка-пастки жағ бўғими тўқималари анатомо-топографик муносабатларини баҳолаш;

тиш-жағ аномалиялари мавжуд болаларда клиник-лаборатор кўрсаткичлар ва қон зардобиди матрицали металлопротеиназалар (ММП-1, ММП-3, ММП-9) ва металлопротеиназалар тўқима ингибитори (МПТИ-1) миқдорини баҳолаш;

чакка-пастки жағ бўғими касалликлари мавжуд болаларда патологик бириктирувчи тўқима маркёрлари хусусиятларини баҳолаш;

тиш-жағ аномалиялари бўлган болаларни ортопедик даволаш ва реабилитацияси амалиётида самарали диагностика критерийларни яратиш;

тиш-жағ аномалия ва деформациялари мавжуд болаларда ишлаб чиқилган даволаш усуллари қисқа ва узоқ муддатли оптимал самарадорлиги даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. ТЖА ва деформациялари билан бирга ЧПЖБ дисфункцияси синдроми бўлган 145 нафар болалар ва назорат гуруҳи сифатида ёш бўйича асосий гуруҳга мос 155 нафар соғлом болалар.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ЧПЖБ атрофи қаттиқ ва юмшоқ тўқималари, пародонт тўқималари, қон ва сўлак биосубстратлари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсадни бажариш учун клиник-стоматологик, рентгенологик, антропометрик ўлчамлар, биокимёвий, лаборатор ва натижаларни тахлили учун статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

6-18 ёшли болаларда ТЖА ва ТЖД, уларнинг оқибатида ЧПЖБ касалликларнинг шаклланиш патогенетик механизмлари аниқланган;

болаларда ТЖА ва ТЖДларининг эпидемиологияси, шаклланишдаги хавф омиллари ҳолида ТЖАни юзага келтириши ва ахамияти аниқланган;

болаларда окклюзия тизими патологияси асосида конституционал-анатомик, морфологик ва уларга боғлиқ бўлган бириктирувчи тўқиманинг дисплазия шаклида бузилишларнинг функционал-биокимёвий белгилари кўрсатиб берилган;

ЧПЖБ патологик ўзгаришлар бўлган болалар қон зардобларида матрицали металлопротеиназалар (ММП-1, ММП-3, ММП-9) фаоллиги ўзгариши шунингдек, метаболит бузилишларга ишора қилувчи бириктирувчи тўқиманинг ремоделланишидан дарак берувчи омиллари кўрсатиб берилган;

патологик тишлов оқибатида ЧПЖБдаги функционал деформациялар юзага келган беморлар учун махсус диагностика алгоритми ишлаб чиқилган;

болаларда қисқа ва узок муддатли кузатиш натижаларига илмий асосланган тиш-жағ тизими патологияларини комплекс даволаш учун самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

ТЖА ва ТЖДларини юзага келиш хафи бўлган болаларда касалликнинг олдиндан башоратлаш имконияти мавжудлигига асос солинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларнинг стоматологик саломатлигини комплекс ўрганиш натижалари асосида, тиш-жағ тизими ва стоматологик касалликнинг учраш даражаси бўйича ишонарли ва таққосланувчи маълумотлар аниқланган, унинг ўзгаришларга мойиллик тенденцияси ҳамда даволаш-профилактик муолажаларига бўлган талаби аниқланган;

болаларда ЧПЖБ дисфункциясини даволаш-профилактикасининг самарали усуллари танлашга мукаммаллашган ёндашув комплекси амалиётдаги мутахасислар учун яратилган;

болаларда ЧПЖБ дисфункцияларини даволаш-профилактика комплекси алгоритми яратилган, самарадорлигини ошириш, асоратлари ва рецидивлар сонини камайтириш, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга молик натижалар амалиётга тасдиғини топган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, апробацияда тасдиқланган ва амалиётда қўлланилиши, беморларда етарли сони билан исботини топган, олинган натижаларнинг ишончлилиги бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро назорат қилувчи тадқиқот усуллари билан фойдаланиб тасдиқланган. Натижаларнинг чет эл ва мамлакатимиз муаллифлари томонидан олинган маълумотлар билан таққослаганда ишончли ва

хулосаларнинг асослилиги, ҳамда хулосалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тиш-жағ тизими патологияси оқибатида ЧПЖБ дисфункцияси келиб чиқган болалар касалликларнинг клиник аломатларини клиник-функционал ва биокимёвий тадқиқотлар билан аниқлашнинг ўзига хослиги илмий асосланган, ЧПЖБ касалликларининг даво-профилактикаси усулларига баҳо берилган, шунингдек ЧПЖБ дисфункциясини даво-профилактика қилиш учун таклиф қилинган комплексда ижобий натижа исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти болалар орасида ўтказилган ортодонтик даволаш мониторинги асосида патологик тишлов мавжуд болаларда ЧПЖБ касалликларини олдини олишда стабил натижаларга эришиш мақсадида ортодонтик даволаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Биринчи марта текширувга ва шифокор ёрдамига муҳтож бўлган болаларнинг саломатлик ҳолати бўйича турли бузилишлари аниқланган, ҳамда хавф гуруҳини ва диспансер назоратини шакллантириш орқали соғлиқни сақлаш тизими амалиёти учун тиш-жағ тизимини (донозологик) скрининг-текшириш усули тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ этилиши. Тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари натижасида ЧПЖБ дисфункцияси кузатилган болаларда даво-профилактика самарадорлигини баҳолаш бўйича қуйидаги илмий услубий қўлланмаларда натижалар ўз аксини топган ва асосланган:

«Совершенствование обследования детей с патологией височно-нижнечелюстного сустава вследствие аномалии прикуса» услубий тавсияномаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-д/474-сон хулосаси) тасдиқланган. Услубий тавсиянома патологик тишлов мавжуд болаларда чакка-пастки жағ бўғими касалликларини текшириш усулларини мукамаллашган алгоритми ишлаб чиқилган;

«Болаларда тишлов аномалияси натижасида келиб чиқадиган чакка-пастки жағ бўғими касалликларини даво-профилактика алгоритми» услубий тавсияномаси (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/525-сон хулосаси) тасдиқланган. Услубий тавсиянома тиш-жағ тизими аномалиялари ҳамда чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болаларни мукамаллашган даволаш имконини берган.

Болаларда ТЖА ва деформациялари натижасида шаклланган ЧПЖБ дисфункциясини даволаш-профилактика самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан ишлаб чиқилган усул ва дастурлар Бухоро, Вобкент, Олот туманларининг тиббиёт бирлашмалари, Навоий вилоят Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси, Хоразм вилоят стоматологик поликлиникаси, Жиззах вилоят болалар стоматология поликлиникаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 15 декабр 2020 йилдаги 8-н-з/190-сон хулосаси). Натижада, болаларда тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари натижасида келиб чиқган ЧПЖБ дисфункцияси касалликлари клиник кўринишларини

функционал ва биокимёвий тадқиқотлар ёрдамида аниқлаш орқали эрта даволаш, профилактика қилиш ва ЧПЖБ касалликларини олдиндан башоратлаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 6 таси Республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, адабиётлар тахлили ва тўртта шахсий илмий натижалар акс этган боблардан, хотима, хулосалар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, уларнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети таснифланган, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилиниши, оммалаштирилган ишлар ва диссертациянинг таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси ва уларни профилактикасини такомиллаштириш**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабиёт манбаларининг тахлили берилган. Мамлакатимиз ва чет эл олимларининг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Дунё олимларининг мазкур муаммони ечишга ёндашувини акс эттирувчи адабиётлар тавсифи тақдим қилинган. Тиш-жағ тизимининг аъзоларини шаклланишида бириктирувчи тўқиманинг ирсий бузилишларида матрицали металлопротеиназалар ва уларнинг ингибиторларининг роли ҳамда чакка-пастки жағ бўғими дисфункциясининг патогенези ва диагностикасида замонавий жиҳатлар, даволаш ва профилактика қилиш масалаларини ечишга ёндашувлар бўйича ҳамкасбларнинг тажрибалари ўрганилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот методлари**» деб номланган иккинчи бобида ТЖА ва ТЖД билан бирга ЧПЖБ дисфункцияси синдроми бўлган 145 нафар асосий гуруҳдаги болаларга ва 155 нафар назорат гуруҳидаги болаларга тавсиф берилган. Болаларнинг ёш даражаси Злотник И.Л томонидан тавсия этилган таснифи бўйича тузилган: 6 дан 9 ёшгача бўлган гуруҳни 67 нафар бола (22,33%), 10-13 ёш гуруҳини 100 нафар бола (33,3%) ташкил қилган, 133 нафар бола (44,33%) 14-18 ёш гуруҳига киритилган. Стоматологик кўрик ва

текширув умумий қабул қилинган схема бўйича стандарт стоматологик тартибда ўтказилган: сўров, кўрик, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, тиш ва тиш қаторлари, пародонт тўқималари, чайнаш мушаклари ва чакка-пастки жағ бўғимининг текшируви. Чайнов мушаклар палпацияси Гаффоров С.А ва Назаров О.Ж. (2014) усулида ўтказилган. Бош ва юзнинг клиник антропометрик параметрларини Шомирзаев Н.Х (1998) таклиф қилган усулда ўлчанган. Моделларнинг таҳлили Назаров О.Ж (2010) методикаси бўйича ўтказилган. ЧПЖБ дисфункцияси бўлган болаларда юқори жағ ва пастки жағ тишлар окклюзия контактларининг жойлашувини биометрик ўрганиш учун Миликевич В.Ю., Кибкало А.П., Иванов Л.П. (1984) томонидан ишлаб чиқилган окклюзиография усули қўлланган.

Компьютер томография натижасини таҳлил қилишда пастки жағ бўғим бошчасининг бўғим чуқурчасида сагитал текисликка нисбатан симметриклиги таҳлили Жулев Е.Н., Ершов П.Э (2016) усулида ўтказилган. Болаларнинг ҳаёт сифатига стоматологик ҳолатнинг таъсирини баҳолаш учун Jonu M.Tefal (2002) ва Pahel V.Tefal (2007), Яриева О.О. (2019) томонидан таклиф қилинган анкета-сўровномадан фойдаланилган – Oral Health – Related Quality of Life (OHRQoL). Болаларнинг ижтимоий-руҳий мослашувини Роджерс К ва Даймон Р усулида баҳоланган. Қон зардобидаги матрицали металлопротеиназалар (ММП-1, ММП-3, ММП-9) ва металлопротеиназаларнинг тўқима ингибитори (МПТИ-1) таркиби йўриқномага мувофиқ стандарт тест тўпламларидан фойдаланиб иммунофермент таҳлил усули билан ўтказилган. Гликозоамингликанлар Косягина Е.А таклиф қилган карбазол реакцияси асосида аниқланган.


Патологик тишлов оқибатида чакка-пастки жағ бўғимидаги функционал ўзгаришлар мавжуд бўлган беморларни текшириш учун диагностика алгоритими ишлаб чиқилган.

Натижаларнинг статистик ишланиши Windows 7.0 учун Statistica шахсий компьютер дастурий таъминотининг пакетида, шунингдек “EXCEL-2007” компьютер дастури ёрдамида ўтказилган. Таҳлил қилинаётган аломатларни тақсимлаш параметрлари ўрта квадрат оғишнинг ($M \pm m$) ўртача қиймати кўринишида кўрсатилган. Бир жуфтдан ортиқ ўрта қийматларни таққослаш учун кўплаб солиштириш методидан фойдаланилган (Нюмен-Кейлс); кўплаб солиштириш учун Студент мезони ҳисобланган. Корреляция коэффиценти Спирмен бўйича ҳисобланган. Таққосланаётган аломатлар бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқ $P < 0,05$ да статистик аҳамиятли деб олинган.

Диссертациянинг «**Чакка-пастки жағ бўғими патологияси бўлган болалар ва ўсмирлар юз-жағ соҳаси аъзоларининг стоматологик ҳолати**» деб номланган учинчи боби тиш-жағ тизими патологияси ва чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болаларнинг оғиз бўшлиғи стоматологик ҳолатини тўлиқ акс эттирган. Патологик тишловлардан очик тури асосий гуруҳдаги 14-18 ёшли гуруҳда 11,76% , назорат гуруҳида эса кузатилмаган.

Асосий гуруҳда диастема 6-9 ёшли болалар гуруҳида 1 нафар, 10-13 ёшли болаларнинг 8 нафарида ва 14-18 ёшли болаларнинг эса 6 нафарида

кузатилган. Энг кўп инфраокклюзия асосий гурухнинг 14-18 ёшли болаларнинг 56 нафарида 82,35 % ҳолатда кузатилган. Бемор болаларда тиш қаторлари нуқсонлари тарқалганлиги назорат гурухидан ишончли равишда кўп бўлган (1-расм).



1-расм. Болалар ва ўсмирларда тиш қаторларида учрайдиган нуқсонлар (n=300)

Болалар ва ўсмирларда ўтказилган морфометрик параметрларнинг таққослаш таҳлилидан олинган натижалар 6-9 ёшли соғлом ўғил болаларда юзнинг физиологик баландлиги ўртача $16,90 \pm 0,11$ см (ўсиш темпи 1,6%), қиз болаларда эса бу параметр ўртача $17,10 \pm 0,16$ см (ўсиш темпи 2,2%) эканлигини кўрсатган. Шу гуруҳдаги ўғил болаларда юзнинг морфологик баландлиги ўртача $11,80 \pm 0,05$ (ўсиш темпи 1,7%), қиз болаларда эса ўртача $11,40 \pm 0,05$ см (ўсиш темпи 1,1%) га тенг.

Тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияси натижасида келиб чиққан чакка-пастки жағ бўғими патологияларига эга 6-9 ёшдаги ўғил болаларда юзнинг физиологик баландлиги ўртача $16,40 \pm 0,09$ (ўсиш темпи 0,6%), қиз болаларда эса ўртача $17,40 \pm 0,03$ см (ўсиш темпи 2,2%) бўлган. Шу ёшдаги ўғил болаларда юзнинг морфологик баландлиги ўртача $11,0 \pm 0,04$ (ўсиш темпи 0,6%), қиз болаларда эса ўртача $11,60 \pm 0,07$ (ўсиш темпи 4,6%) га тенг бўлган (1-жадвал).

10-13 ёшли соғлом ўғил болаларда юзнинг физиологик баландлиги ўртача $17,40 \pm 0,10$ см (ўсиш темпи йўқ), қиз болаларда эса шу параметр ўртача $17,40 \pm 0,10$ см (ўсиш темпи -2,0%) атрофида бўлган. Соғлом болаларда юзнинг морфологик баландлиги ўртача $12,20 \pm 0,03$ (ўсиш темпи -1,2%), қиз болаларда эса ўртача $11,80 \pm 0,06$ (ўсиш темпи -1,4%) атрофида бўлган.

ЧПЖБ патологияларига эга 10-13 ёшли ўғил болаларда юзнинг физиологик баландлиги ўртача $16,80 \pm 0,12$ (ўсиш темпи $-0,6\%$), қиз болаларда эса ўртача $17,50 \pm 0,06$ (ўсиш темпи $1,2\%$ га тенг) бўлди. Шу гуруҳдаги 10-13 ёшли ўғил болаларда юзнинг морфологик баландлиги ўртача $11,80 \pm 0,01$ см (ўсиш темпи $-2,4\%$), қиз болаларда эса ўртача $11,90 \pm 0,02$ (ўсиш темпи $-1,8\%$ га тенг) бўлган.

Тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияси ҳамда чакка-пастки жағ бўғими патологияларига эга ўғил болаларда юзнинг физиологик баландлиги ўсишида энг юқори темп 14-18 ёшда, энг паст темп $-6-9$ ёшда кузатилган. Шу гуруҳдаги қиз болаларда ҳам энг юқори темп 14-18 ёшда, энг кичик эса $6-9$ ёшда кузатилган.

1-жадвал

Болалар ва ўсмирларда юзнинг морфологик параметрлари


Юз ўлчамлари (см)	Гуруҳ	Ёш ва жинс			
		6-9 ёш; n= 67		10-13 ёш; n= 100	
		Ўғил	қиз	Ўғил	Қиз
Юзнинг физиологик баландлиги	НГ	$16,90 \pm 0,11$	$17,10 \pm 0,16$	$17,40 \pm 0,10^x$	$17,40 \pm 0,10$
	АГ	$16,40 \pm 0,09^*$	$17,40 \pm 0,03$	$16,80 \pm 0,12^{*x}$	$17,50 \pm 0,06$
Юзнинг морфологик баландлиги	НГ	$11,80 \pm 0,05$	$11,40 \pm 0,05$	$12,20 \pm 0,03^x$	$11,80 \pm 0,06^x$
	АГ	$11,00 \pm 0,04^*$	$11,60 \pm 0,07^*$	$11,80 \pm 0,01^{*x}$	$11,90 \pm 0,02^x$
Юз юқори қисми баландлиги	НГ	$5,90 \pm 0,06$	$5,80 \pm 0,04$	$6,20 \pm 0,04^x$	$6,00 \pm 0,05^x$
	АГ	$5,60 \pm 0,05^*$	$5,90 \pm 0,03$	$5,70 \pm 0,06^*$	$6,00 \pm 0,01^x$
Юз ўрта қисми баландлиги	НГ	$5,90 \pm 0,04$	$5,90 \pm 0,02$	$6,20 \pm 0,05^x$	$6,40 \pm 0,08^x$
	АГ	$5,50 \pm 0,01^*$	$5,90 \pm 0,01$	$5,90 \pm 0,10^{*x}$	$6,40 \pm 0,06^x$
Юз пастки қисми баландлиги	НГ	$5,80 \pm 0,06$	$5,90 \pm 0,02$	$5,90 \pm 0,01$	$6,40 \pm 0,08$
	АГ	$5,70 \pm 0,09$	$5,60 \pm 0,02^*$	$6,40 \pm 0,08^*$	$5,60 \pm 0,02^{*x}$

Изох: * - $P < 0,05$ назорат гуруҳига нисбатан ишончли, ^x - $P < 0,05$ 6-9 ёш ва 10-13 ёшли гуруҳлар орасида, ^Δ - $P < 0,05$ 6-9 ёш ва 14-18 ёшли гуруҳлар орасида, ^Δ - $P < 0,05$ 10-13 ёш ва 14-18 ёшли гуруҳлар орасида.

Трансверзал окклюзия эгри чизиқларининг бурчаклари аниқланганида бурчак қийматлари горизонтал, бир хил номли қарама-қарши ётувчи молярларнинг дўмбоқчаларининг бирлашуви ва мазкур тишлар учун алоҳида ўнгдан ва чапдан трансверзал эгри чизиқлар ўртасида аниқланган.

Биринчи молярларнинг соҳалари барча ҳолатларда 0 дан $5,5^\circ$ гача ташкил қилган. Иккинчи молярлар соҳасида трансверзал эгри чизиқларнинг

бурчаклари 4 ҳолатда 0 дан 5° гача, 9 ҳолатда ўнгдан ва чапдан 4,5 дан 9,0° гача, 4 ҳолатда 9 ва ундан юқори даражани ташкил қилган (2-расм).



2-расм. Трансверсал окклюдия эгри чизиқларни биометрик ўлчаш натижалари (n-300)

Асосий гуруҳда тишларнинг биринчи молярлар соҳасида ўнгдан ва чапдан 2 ҳолатда трансверсал окклюдия эгри чизиқларнинг бурчаклари 0 дан 4,5° гача, 5 ҳолатда 5,0 дан 9,0° гача, 12 ҳолатда 9 ва ундан юқори даражани ташкил этди. Иккинчи молярлар соҳасида трансверсал эгри чизиқларнинг бурчаклари 100% ҳолатда 9 ва ундан юқори даражада бўлган.

Компьютер томографияда тишлов турига қараб бўғим бошчаси силжишнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган. Ортогнатик тишловли болаларнинг 20% да пастки жағ бўғим бошчаси силжиши ва 80 % да нормал марказий ҳолатда жойлашиши кузатилган (2- жадвал).

2-жадвал

Тишлов турига қараб пастки жағ бўғим бошчасининг ҳолатлари


Тишлов тури	ЧПЖБ бўғим бошчаси ҳолати		Жами
	Патологик	Нормал	
Ортогнатик	2 (20%)	8 (80%)	10
Дистал	10 (71,4%)	4 (28,6%)	14
Мезиал	4 (33,3%)	8 (66,7%)	12
Чуқур	11 (73,3%)	5 (26,7%)	15
Очиқ	6 (54,5%)	5 (45,5%)	11
Кесишган	12 (70,6%)	5 (29,4%)	17

Дистал тишловли болаларнинг 71,4% да пастки жағ бўғим бошчаси юқори ва орқа томонга силжигани, фақатгина 28,6% да бўғим бошчаси марказий ҳолатда жойлашган. Чуқур тишловли болаларнинг 73,3% да пастки жағ бўғим бошчасининг юқори ва орқага силжиган, 26,7% силжиш кузатилмаган. Мезиал тишловли болаларнинг 33,3% да бўғим бошчасининг

силжиши, 66,7% да эса нормал ҳолатда бўғим бошчаси жойлашганлигини аниқланган.

Диссертациянинг «**Чакка-пастки жағ бўғими патологияси бўлган болалар ва ўсмирларда тиббий-ижтимоий ва неврологик тадқиқотларнинг натижалари ва таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида асаб-руҳий бузилишларнинг этиопатогенези ҳақида замонавий тасаввурларга кўра текширилган беморлар ҳолатининг диагностикаси касалликнинг ривожланишида ҳам биологик, ҳам руҳий ва ижтимоий омиллар иштирок этиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Кўрик вақтида юзнинг юқори ярмида бир томонлама, маълум жойлашувга эга бўлмаган тарқалувчи оғриққа 8 нафар бола шикоят қилган (16,67%). ВАЎ (визуал аналог ўлчов) оғриқ шкаласи бўйича ўртача интенсивлик $3,8 \pm 0,9$ га тенг бўлган. Ундан иррадиация билан бир томонлама оғриқ (умуртқанинг бўйин қисми, юз, чакка, тил илдизи соҳасида) 3 нафар болани (6,25%) безовта қилган. ВАЎ оғриқ шкаласи бўйича ўртача интенсивлик $4,2 \pm 1,1$ баллга тенг бўлди. Мазкур аломат беморларни уларда соматоформ характердаги шикоятлар устунлик қилганида безовта қилганлигини айтиб ўтиш лозим. Қисқа муддатли анамнезда (текширувдан олдин сўнги 3 ойда) юзнинг юқори қисмида (чакка, пешона соҳасида) ҳар куни маҳаллий оғриқ 18 нафар (37,50%) болаларда кузатилди, бунда улардан ярмидан ками (10,4%) маълум жойлашувга эга бўлмаган оғриқнинг бир томонлама характерини келтиришди. 24 нафар беморда (50%) қисқа муддатли анамнезда *m. temporalis* (чаккадаги оғри) проекциясида оғри икки томондан кузатилган. 4 нафар беморда (8,3%) – пешона соҳасида маҳаллий оғриқ. ВАЎ бўйича ўртача интенсивлик $4,5 \pm 1,2$ баллга тенг бўлган. Юзда оғриқ бўлган беморларда мушак-тоник бузилишларининг қуйидаги оғриқ феноменлари аниқланган: Юз соҳаси ва акс этган мушак оғриқлари соҳасида оғриқ ва ноқулайлик ҳисси *m. masseter* (кўз ости соҳаси, юқори жағ, қош усти, чаккага иррадиация), *m. temporalis* (қош усти соҳаси, чакка, бурун соҳасига иррадиация), *m. pterygoideus medialis/lateralis* (қулоқ олди соҳаси, бўйиннинг олд юзаси, пастки жағга иррадиация) (3-расм).



3-расм. Текширилган болаларда юз соҳаси оғриғининг клиник симптоматологияси (n=145)

Юз соҳасида ачиш ҳиссига шикоятлар 7 нафар болада (14,58%) аниқланган, маҳаллий увишиш ва юз терисида сезиш қобилиятининг камайишига 6 нафар (12,50%) бемор шикоят қилган. ВАЎ бўйича оғрик ҳиссининг варианти сифатида ачиш ҳиссининг ўртача интенсивлиги $3,5 \pm 0,5$ га тенг бўлган. Қандайдир омилнинг аҳамият даражасини кўрсатувчи, кўп ўлчамли дисперс таҳлилининг натижалари беморлар юз соҳасида оғрикнинг маълум характериға келтирадиган шикоятлар шунингдек мазкур тадқиқотда ажратилган клиник гуруҳ ва кичик гуруҳларни фарқлашда хизмат қиладиган муҳим клиник аломат ҳисобланмайди.

ЧПЖБ дисфункцияси қуйидаги шикоятлар билан фарқ қилади: ЧПЖБ соҳасида маҳаллий оғрик; ЧПЖБ соҳасида доимий оғриклар ЧПЖБ соҳасида зўриқиш (чайнаш, сўзлашувдан зўриқиш) билан боғлиқ оғрик. Бундай клиник симптоматика касаллик кескинлашган даврга хослиги (клиник кузатувларнинг 90% и) ва Хелкимо индекси 5 баллдан юқори барча беморларда кузатилганлигини айтиб ўтиш лозим, яъни I гуруҳға кирувчи “А” кичик гуруҳ беморлари ва II гуруҳ беморларида. ЧПЖБ соҳасида оғрикларға беморлар келтирган шикоятларни жуфт таққослаш методи билан таҳлил қилиш натижалари 3 -жадвалда келтирилган.

ЧПЖБ соҳасида ҳуружлар кўринишида оғрик ҳислари шунингдек носпецифик характерға эға бўлган, таққосланаётган гуруҳ ва кичик гуруҳларда фарқ қилмади, яъни ҳам мушак бузилишлари, ҳам соматоформ характерли оғрик кузатилган гуруҳларда ҳам учради. ВАЎ оғрик шкаласи бўйича ўртача интенсивлик $5,2 \pm 1,6$ баллга тенг бўлган.

ЧПЖБ оғрик дисфункциясиға эға беморларда оғрик ҳислари аксарият ҳолатларда доимий характерға эға бўлган, фақат интенсивлиги бўйича фарқ қилган. Мазкур клиник аломат бўйича статистик аҳамиятға эға фарқ

таққосланаётган гуруҳ ва кичик гуруҳларда аниқланмади. ВАЎ оғриқ шкаласи бўйича ўртача интенсивлик $4,1 \pm 2,6$ баллга тенг бўлган.

ЧПЖБ соҳасидаги зўриқиш (чайнаш, сўзлашув) билан боғлиқ оғриқ “А” кичик гуруҳ беморларида кескинлашув ва пасаювчи кескинлашув даврида ҳамда клиник ҳолатларнинг ярмида (яъни камрок) – II гуруҳ беморларида ҳосил бўлган, I гуруҳ “Б” кичик гуруҳ беморларида ҳосил бўлмади. ВАЎ оғриқ шкаласи бўйича ўртача интенсивлик $4,8 \pm 3,2$ баллга тенг бўлган.

Тунги вақтда оғриқнинг сақланиш аломати бўйича текширилган беморларнинг таққосланаётган гуруҳлари ва кичик гуруҳлари ўртасида фарқ аниқланмаган. Бу аломат барча ўрганилаётган гуруҳларга кирувчи беморлар учун хос ҳисобланади. ВАЎ оғриқ шкаласи бўйича ўртача интенсивлик $3,1 \pm 1,5$ баллга тенг бўлган.

3-жадвал

Чакка-пастки жағ соҳасида оғриқнинг клиник симптоматологияси (гуруҳлар ўртасидаги фарқ)

Беморлар шикоятлари	Гуруҳ I				Гуруҳ II	
	кичик гуруҳ «А»		кичик гуруҳ «В»		abs	%
	abs	%	abs	%		
ЧПЖБ соҳасидаги маҳаллий оғриқ.	9	18,75	5	10,42	3	6,25
ЧПЖБ соҳасидаги тарқоқ оғриқ	4	8,33	0	0,00	4	8,33
ЧПЖБ соҳасидаги хуружсимон оғриқ	4	8,33	4	8,33	1	2,08
ЧПЖБ соҳасидаги доимий оғриқ	6	12,50	3	6,25	2	4,17
ЧПЖБ соҳасидаги зўриқиш билан боғлиқ оғриқ	7	14,58	1	2,08	2	4,17
ЧПЖБ соҳасида тунги пайтдаги оғриқлар	3	6,25	3	6,25	2	4,17
Жами беморлар	18	37,50	18	37,50	12	25,00

Изоҳ: P - Ўртача фарқ 0,05 даражасида сезиларли: P1 - А ва В кичик гуруҳлари ўртасида, P2 - А кичик гуруҳ ва II гуруҳ ўртасида, P3 - В кичик гуруҳ ва II гуруҳ ўртасида.

Бемор оғзини 50 мм га эркин ва оғриқсиз очиши ва 7 мм гача ён ва олд ҳаракатларни амалга ошириши мумкин бўлганида оғизни очиш амплитудаси чекланмаган ҳисобланади. Кўриниб турибдики, асосий гуруҳи беморларида клиник кузатувларнинг ярмида амплитуда бузилмаган, бу вақтда назорат гуруҳ беморларининг 70% да пастки жағ ҳаракатларининг меъёрий амплитудаси кузатилган. Назорат гуруҳ беморлари бу муносабатда ўрта ҳолатни эгаллаб, фақат 60% ҳолатда пастки жағнинг меъёрий ҳаракати

кузатилган. ЧПЖБ оғриқ дисфункцияси учун кам учрайдиган феномен пастки жағ амплитудасининг ортиши билан ЧПЖБ патологияси бўлди. Шундай қилиб, асосий гуруҳ беморларида бундай ҳодисалар кузатилаётган бутун кичик гуруҳда ўртача фақат 0,3 ҳолатда мавжуд бўлган, назорат гуруҳида эса – ундан ҳам кам кузатилган (4-жадвал).

Мазкур параметр бўйича ўртача кўрсаткичларнинг баҳоланишида текширилган беморларнинг гуруҳларида қуйидаги фарқларни кўрсатди. Оғиз очилиш амплитудасининг чекланиши назорат гуруҳ беморларида аниқланмаган, асосий гуруҳда эса сезилмас миқдорда (ўртача кўрсаткич 0,09) кузатилган.

4-жадвал

ЧПЖБ оғриқли дисфункция синдроми бўлган болаларда оғиз очилиш амплитудасининг табиати

Беморлар шикоятлари	Жами		Фарқларнинг статистик аҳамияти, P
	Мутлоқ	%	
Амплитуда нормада	28	58,33	0,27
Амплитуда ошган	10	20,83	0,04
Амплитуда пасайган	5	10,42	0,58
Жами беморлар	48	100,00	

Маълумки, сўнгги йилларда турли географик туманлар, ижтимоий ва сиёсий жамиятларда яшаётган инсонларда қатор патологиялар ва ҳаёт сифатини аниқлаш ва баҳолаш учун аҳоли орасида кўпинча сўровномалар қўлланилмоқда. Тадқиқотларда 36 та саволдан иборат SF-36 (Medical Outcomes Study Short Form, Health Status Survey – HS баҳолаш учун тиббий қисқа шкала) ҳаёт сифати сўровномасидан фойдаланилган (5-жадвал).

Гуруҳларда кўп ўлчамли мултивариант таҳлил қилиш усули (Hoteling's Trace) билан SF-36 субшкалаларининг таққосланишида беморларнинг ҳар бир гуруҳ ва кичик гуруҳи учун ҳаёт сифати (ҲС) нинг статистик аҳамияти аниқланган. Касалликнинг давом этиши билан (ойларда) ҲС ўртасида боғлиқлик аниқланмади.

“SF-36” сўровномасининг субшкаллари бўйича ўрганилаётган гуруҳларда ҳаёт сифатининг умумий кўрсаткичлари

Шкала	Жами	
	М	М
Жисмоний фаолият (SF1)	74,48	1,27
Жисмоний ҳолатга асосланган ролни бажариш (SF2)	42,56	1,63
Оғриқ интенсивлиги (SF3)	49,46	1,52
Умумий соғлиқ ҳолати (SF4)	50,83	1,34
Ҳаётий фаолият(SF5)	44,75	1,64
Ижтимоий фаолият (SF6)	50,08	1,37
Эмоционал ҳолатга асосланган ролни бажариш (SF7)	43,10	2,19
Рухий ҳолат (SF8)	48,92	1,41
Жами беморлар	48	

Текширилган болалар Роджерс К ва Даймон Р бўйича ижтимоий-руҳий мослашувчанликни диагностика қилиш усулининг субшкала руҳий кўриб чиқилиши уларнинг статистик аҳамиятини намоён қилган. Бу факт ушбу азиятнинг интегратив диагностикаси ва у билан боғлиқ терапевтик чоралар комплексида ЧПЖБ оғриқ дисфункциясига эга беморларнинг ижтимоий-руҳий мослашувчанлигини ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида хулосага келиш имконини берган (6-жадвал).

Шу билан бирга, “меъёр” соҳасигача бўлган натижалар ўта паст, “меъёр” соҳасининг энг юқори кўрсаткичидан кейинги натижалар эса – жуда юқори саналишини айтиб ўтиш лозим. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ЧПЖБ патологияси эга беморларда қуйидаги ўрганлаётган шкалалар бўйича паст характеристикалар аниқланган: “дезадаптация”, “ёлғончилик”, “ўзини рад этиш”, “бошқаларни ёқтирмаслик”, “ҳиссий қулайлик” ва “ҳиссий ноқулайлик”, “ташқи назорат”, “етакчилик”, “ахборотга эгалик” ва “эскапизм”.

“Бошқаларни қабул қилиш” (меъёрда 12 дан 24 баллгача) I гуруҳ “А” кичик гуруҳ беморларида I гуруҳ “Б” кичик гуруҳ беморларига қараганда юқори бўлди (ўртача 16,5 балл). Бу аралаш аломатларга эга беморлар (неврологик ва соматоформ), “атрофдагилар билан илиқ, яхши муомала” ўрнатувчи, улар билан келиша оладиган, инсонларга яхши муносабатда бўлган ва ўзини хушмуомала ва атрофдагиларга очик деб ҳисоблайдиган

фақат соматоформ аломатларга эга беморларга қараганда анча паст даражада “бошқаларни қабул қилиш”га мойилиги аниқланган.

6- жадвал

Рожерс К ва Даймон Р услублари бўйича тадқиқот гуруҳларида шахснинг ижтимоий-психологик мослашуви дисперсиясининг кўп ўзгарувчан таҳлили

Шкала	Жами	Кўп ўлчовли тарқоқ таҳлили, P
	M ± m	
Мослашувчанлик	122,52 ± 2,47	0,890
Мослашмаслик	37,90 ± 1,42	0,228
Ёлғон-	8,90 ± 0,36**	0,006
Ёлғон+	7,77 ± 0,33	0,496
Ўзни қабул қилиш	22,56 ± 0,76	0,580
Ўзни қабул қилмаслик	6,60 ± 0,31**	0,000
Ўзгаларни қабул қилиш	14,38 ± 0,44**	0,009
Ўзгаларни қабул қилмаслик	8,63 ± 0,44**	0,009
Эмоционал қулайлик	10,63 ± 0,46**	0,002
Эмоционал ноқулайлик	8,54 ± 0,39**	0,007
Ички назорат	29,42 ± 1,41**	0,000
Ташқи назорат	9,02 ± 0,68**	0,000
Устунлик	3,63 ± 0,18	0,127
Эскапизм (муаммолардан қочиш)	5,58 ± 0,31**	0,000
Жами беморлар	48	

Изоҳ: ** – $p \leq 0,01$ статистик жихатдан аҳамиятли, * – $p \leq 0,05$, ~ – тенденция даражасида.

Шу билан бирга “ўзини инкор этиш” (меъёрда 14 дан 28 баллгача) I гуруҳ “А” кичик гуруҳ беморларида I гуруҳ “Б” кичик гуруҳ беморларига қараганда анча паст бўлган. (5,7 балл). Бу аралаш аломатларга эга беморлар (неврологик ва соматоформ) фақат соматоформ аломатларига эга беморларга қараганда “ўзини қабул қилишга” кам даражада мойиллигини аниқлаган, яъни уларда ўзига бўлган баҳо паст, уларда кўпинча “қарама-қарши жинс вакилларида кимгадир ёқишига шубҳа бор”; уларнинг шахсиятида “ўзларини ифодалаш, ўзининг индивидуаллигини, ўзининг МЕНини кўрсатадиган ҳеч нарса йўқ”; улар “нафратланишга лойик” деб ҳисоблашади; улар кўпинча “қарор қабул қилиб, ундан шу онда воз кечиши, бир вақтнинг ўзида бундай иродасизлик учун ўзларидан нафратланишини” айтишади (меъёрда 12 дан 24 баллгача). I гуруҳ “А” кичик гуруҳ беморларида I гуруҳ “Б” кичик гуруҳ беморлариникидан анча юқори бўлган (13,5 балл). Бу

аралаш аломатга эга (неврологик ва соматоформ) беморлар фақат соматоформ аломатларга эга беморларга қараганда, бошқа ахамиятли инсонларнинг фикрига кам боғлиқлигини англатган.

“эскапизм” ёки “фантазияда юриш” (меъёрда 10 дан 20 баллгача) кўрсаткичи I гуруҳ “А” кичик гуруҳ беморларида II гуруҳ беморлариникига қараганда юқори бўлди (6,7 балл). Бу кўплаб шикоятлар келтирувчи аралаш аломатларга (неврологик ва соматоформ) эга беморлар кўпроқ неврологик аломатларга эга беморларга қараганда, фантазияда юришга кўпроқ мойил эканлигини англатади. Натижада бундай беморлар кўпинча “орзудан ҳақиқий ҳаётга қийин қайтишлари”, тез хафа бўлиш ва уларнинг кечинмаларида “қолиб кетиш, хаёлида қасос олиш усулларини кўриб чиқиш”, аксарият ҳолатларда шунчаки “ўз муаммолари ҳақида ўйламасликка интилиш” ҳолатларни кузатилган.

Аралаш (неврологик ва соматоформ) аломатларга эга беморлар, агар фойдаланилган методикаларнинг муаллифларини нуқтаи назарига эътибор берилса, кам мослашган бўлиб чиқган.

Текширилган беморларнинг жавобларини таҳлил қилиш асосида муаммоларга (оғриқ, ноқулайлик, чайнашнинг бузилиши) дуч келган беморлар тиш-жағ тизимининг касаллигини кўп жиҳатдан уларнинг ижтимоий фаолиятида муваффақиятга эришишни аниқловчи жуда ахамиятли омил деб ҳисоблашган. Бошқа инсонларга кўринадиган, орофациал соҳада бузилишлар, шу ҳолат билан боғлиқ, азият чекиш характерининг “эстетик” эмаслиги ва ижтимоий контактни мураккаблаштирувчи ва беморлар ўзини ҳис қилиши ва ўзига баҳо беришини салбий томонга ўзгартирган ҳолда нутқ ўзгариши мумкинлиги туфайли фобик зўриқишни ҳосил қилаган.

